



Ўзбекистон пахтачилик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасида маҳсулотларни янада сифатли қилиб тайёрлашга катта аҳамият берилмоқда. Корхонанинг 3-йиғув цехида фрезерчи бўлиб ишлаётган А. Аъзамжоев 14 йилдан бери ана шу бирлашмада меҳнат қилмоқда.

Корхонада меҳнат фахрийлари жуда кўпчилики ташкил этади. Чилангар йиғувчи Р. Муҳаммаджонов эса қирч йилдан бери ана шу ерда ишлайди. У ўз ҳамкасблари орасида юксак ҳурматга эга бўлганлардан.

СУРАТЛАРДА: А. Аъзамжоев (чапда) ва меҳнат фахрийси Р. Муҳаммаджонов.

Андрей Пищенко суратлари.



Кўшнинг кенгашига ТАЪЛИМНИНГ ШАРҚОНА УСУЛЛАРИГА ЎТСАК

ЯҚИНДА қизғин давра суҳбатларининг бирида «Хозирги ўғил болаларга мардлик, бирсўзли, қатъиятлик етишмайди», деган мунозарали фикрлар айтиди. Дарҳақиқат, чуқур мулоҳаза қилиб кўрганда бу фикрда жон бор. Бу гапларни эшитиб руҳшунос олимларнинг болалар устида ўтказган тажрибаси эсимга тушди. Илмий нуқтаи назардан бу тажриба бизнинг қандайдир хулосага келишимиз ва нимага қараб ўйлашимизга мажбур қилади.

Олимлар юқори синф ўқувчиларига тоғ ёнбағрига сайрга чиқишни тақлиф этганлар. Сайр олдиндан атайин сафар учун мулкаланган баъзи бир зарур анжомларни «эсдан чиқариб» қолдирганлар.

Мақтаб ва тоғ ёнбағрининг ораси ўнчалик узоқ эмас эди. Йўлнинг ярмига етганларида ўқитувчилар унутиб қолдирилган нарсаларни «эслаб» қолдилар. Шунда олимлар ва муаллимлар туғруқдаги ўғил болаларнинг «мен бораман» деган сўзларини кутган эдилар. Афсуски, бунинг тескариси бўлиб чиқди. Мақтабга қайтиб бориб келиш истагини фақат қизлар билдиришди. Энг қизғин шундаки, бу синф ўқувчиларининг муаллимлари азалдан фақат аёллардан иборат эди.

Хозир руҳшунос олимлар ҳам, биз муаллимлар ҳам қиз бола ва ўғил бола тарбиясидаги бир-бирига сиғиб кетилиши ҳолатларини кўришимиз. Ўғил бола руҳида қиз болаларга хос қиз болага эса ўғил болага хос одатларнинг бўлиши албатта уларни балоғат ёшига етгунча қўшиб ўқитишда деб ўйлашмай. Кейинги йилларда матбуотда ўғил болаларни қиз болалардан ажратиб ўқитиш тажриба қилинаётгани ҳақида езишмоқда. Ҳўш, бунинг нимаси тажриба? Ҳумхўриятимизда 60-йилларга қиз ва ўғил болалар алоҳида-алоҳида ўқитилар эди. Элар ва қизлар мактаби деган тушунчалар бўлар эди. Бу мактаблар кейинчалик тарқатилиб, қўшиб юборилди. Умуман, ўғил ва қиз болаларни қўшиб ўқитиш қадимдан ҳам бизнинг ўзбекиона одатимиз эмас эди. Алоҳида ўқитилган пайтларда мактабни битириб чиққан аксарият болаларда тарбияда ҳам, илмда ҳам камчили бўлмаган эди. Гап шундаки, 50-60-йилларга келиб ҳақиқий таълимда оммавий тарбиянинг бошланиши. Китоблар тўғридан-тўғри, сўзма-сўз таржима қилинди. Миллий одоб масалалари ёшлар онгидан узоқлаштирилди. Ҳаттоки, қийим қийиш, мактаб формалари бўйича ҳам ғарбдан андоза олинди. Миллий мактаблар аста-секин ўз қиёфасини, фаззини йўқотиб борди. Она тили ва адабиётимизга шундай шайқатсиз муносабатда бўлишдики, бу дарслар мулкаланган соатлар йил сайин қисқариб кетди. Натيجаси нима бўлди? Она тили муаллимлари дарс соатлари камчилидан мактабни тарк этидилар. Болалар бунинг эвазига на она тилини, на рус тилини қўйилмақом эгалладилар. Унинг асосида қолган имло вуқудга келди. Ана шундай қўпол хато тарбия маорифга натия зарба берди деб ўйлашмай. Мен нима учун бу гапларни айталаман? Чунки ҳақолатири тан олиб уларни тўзатиш вақти келди. Юқорида тилга олинган қўшиб ўқитишни ҳам ана шундай жуда оғир, руҳий ҳолатларни ҳисобга олмасдан қилинган қўпол хато деб ўйлаш мумкин. Тўғри, жиселар орасида тафовут — тоқиб бола 12-13 ёшга етгунча ўнчалик сезилмайди. Мен боғчаларда қўшиб тарбия беришга қарши эмасман. Ҳатто болаларнинг қўшиб ўқитиш мумкин. Бироқ бола ўмирлик ёшга қадам қўйганда, 5—6-синфларда айланиш тафовут шундай билинадиги, бунга асло инкор этиб бўлмайди. Инкор қилмасликнинг биринчи сабаби — болалардаги биологик ўзгаришлар. Биз ҳоҳлаётганимиз, хоҳлаётганимиз инсонда шу ёшда ўтиш

даври бошланади. Жуда кўп муаллимлар айна шу ёшда катта ўғаринлар бўлади дейишади. Иқинчида, шарқона урф-одатларга қайтаётган бир пайтимида қўшиб ўқитиш тўғримики? Тўғри, бу ўта баҳсли мунозара. Бу фикрларга эътироз билдирувчилар кўп бўлади. Сабоби, бизда ҳозирги таълим қон-қонимизга сиғиб кетди. Менимча бундай ўқитиш усулларига аста-секинлик билан қайтиш керак. Пойтахтимизнинг Чилонзор районидagi 138-мактабда ўтган ўқув йилидан бошлаб битта биринчи синфга синнов тариқасида 30 та ўғил бола қабул қилинди.

— Мана, 20 йилдирки бошланғич синфларга дарс бериб келмоқдаман, — дейди «ўғиллар» синфининг муаллимаси Маҳфуза опа. Ёқубова, — Қим қанақа ўйлайди, билмайману, фақат ўғил болалар билан ишлаш менга ёқди. Бундай синфларни ўқитиш учун жуда талабчан бўлиш керак. Тўғри, ўғил болалар шўх бўлишади. Аввалига роса тўполончи синф бўлса керак деб ўйлаган эдим. Бироқ ундай бўлиб чиқмади. Қиз болалар билан ўқитилганда ўзаро тегажорлик бўлар, ёш болалар бир-бирлари устидан менга қачимчилик қилишар эди. Умуман, қўшиб ўқитилган болаларга «Қизларни ҳурмат қилиш керак, уларни ҳимоя қилиш ўғил болаларнинг бурчи», деб доим айтаман. Шунинг натижаси бўлса керак мейлига болалар олдинги ўқитилган ўғил болалардан фарқи қизларни жуда ҳурмат қилишарди. Таъридан кўпроқ эртақлардан фойдаланаман. Чунки эртақларда айнан ўғил бола учун керакли ботирик, жасурлик тилмолари берилган. Масалан, юқоридикиларнинг девлар билан олишиб ўз халқини қўтариш ҳақидаги афсоналарнинг кўпчилиги учун тасвири катта. «Нима учун кенжа ботир девни енди, инкита акаси енга олмайди», — деган саволларга болалар дарҳол жавоб беришарди. Ҳазрат Навоийнинг таваллузлари муносабати билан «Ғунча» ойнасида Фарҳоднинг расми берилган. Болалар билан унинг жасурлиги ҳақида фикр юритдик. Албатта, муҳаббат ҳақида эмас, Фарҳоднинг ботирлиги, қўқмаслиги туфайли у бир ўн тоғни тешиб сув чиқаргани хусусида мунозара қилдик. Бундай мисолларни ўғил болаларга мароқ билан бурттириб бериш мумкин. Алоҳида ўқитишни яна бир яхши томони бор. Шундай синфларда жисмоний тарбия машғулотлари қизиқарили бўлади. Фольклор қўшиқларини ўрганиш, ўйинлар ташкил этишга ҳам қийналмайман.

Хуллас, бундай услуб ота-оналарга ҳам маъқул бўлайти. Уларнинг фикрича, ўғилларида уйда оталарига, катта акаларига тақлид кучаймоқда. Уй юмушларини мустакил ҳал этишга қизиқиш кучайганиги, отасига ёрдам беришдан улар хурсанд. Оталари билан бозорга бориб харид қилишга ҳам мойиллик сезилмоқда.

Ҳа, ўғил ва қиз болаларни алоҳида ўқитиш фақат юқоридаги мактабда мавжуд бўлмай, балки пойтахтимиздан бошқа қўлпана мактабларда ҳам ана шундай синнов синфлари очилишган. Уларнинг аксариятидаги иш натижалари қандайдиги ҳақида педагогик аҳамияти ҳақида ўйлашимиз, бизга езиб юборадилар. Зеро, эзгу иш болалар ҳамнасаб қилин бўлади. Қўшнинг кенгашига қўлоқ солиш ана ҳам яхши. Бизнинг юрт ўғиллари ҳамнасаб мард, довруқ бўлганлар. Эрақлари бағувват, ақли элда ҳамнасаб тинчлик, осойишталик бўлади. Аёлларнинг бахти ҳам, болаларнингнинг келажак ҳам ота қўлида эканлигини унутмаслигимиз даркор. Ўйлашимиз, бугунги кўриладиган мунозара ҳали давом этади, муаллимларимизни бу масала бефарқ қолдирмайди.

Бахтиёр КАРИМОВ,
муаллим, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти совриндори.

Пойтахтимизнинг Виктор Мажасов кўчасидаги бу уй «Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг шундоққина ён томонида жойлашган. Эътиборимизни ўзига торган нарсаси ҳовлидаги сокивлик бўлди. Вақт пешинга яқинлашган бўлишига қарамай бу ерда осойишталик ҳукм сувар, на ҳовлида, на хоналарга кириш жойида гаплашиб турган одамларни ёки шовқин солиб ўйнаётган болаларнинг кўрмидик. 2-хонада бизни сочларни қордек оқип, истараси иссиқ, кўзойнакли аёл илтиқ қарши олди.

— Ўзбекова Осиё сиз бўласизми? — сураймиз салом-алиқдан сўнг.

— Албатта болам, қани ичарига кириш. Сеаиб турибман, муҳарририятдан келган бўлсангиз керак. Нега хатлар бўлимига учрашиб, турмуш тарзимизни рўзномада ёритишларини илтимос қилган эдим.

Шинамгивна хона, ўртада стол-стуллар, бир томонида сервант, шифонер, ёнида телевизор, муъжазгина қўшни хона эса ётоқхона экан. Ҳамма жиҳозлар жой-жойида дид билан безатилган. Бир оила ҳавас қилса арзигудек хонадон.

Стулларнинг бирига ўтириб, ҳали нафасимизни ростлаб улгурмасимиздан унга яна икки аёл кириб келишди.

— Булар қўшнилари Клавдия Теленкова ва Алевтина Третьяковалар, — тушунтирди Осиё опа, бизларни таништирар экан. — Мана, турмушимизни ўзингиз кўриб турибсиз, шунч бировдан кам жойимиз йўқ. Биз кўп йил ишлаган корхона раҳбарлари меҳнатимизнинг қадрига етишмаётганидан миннатдоримиз.

— Нимасини айтасиз, қўшнилари, — суҳбатга қўшилди Клавдия Семёновна. — Бирлашманинг 50 йиллик тўйи нишонланганда биз

ларни ҳам тақлиф қилиб, қанчалик иззат-ҳурмат кўрсатишгани ёнидадими? Ҳар биримизга совга-саломлар, мукофотлар беришди. Мен умримнинг асосий қисмини ишчи жомакоридега ўтказганимдан сира афсусланмайман. Биргина тўй пайтида эмас, умуман ҳар доим рамхўрликни ҳис қилиб тураман. Шу биланми ёки ишлаган жойимми, ҳар ҳолда буш қолган дегунча корхонага боргим келади. Қадрдон бўлиб қолган пресслаш цехида Пулатой Абдурахмо

йил меҳнат қилганиниг ўзига яраша таъин бор. Биринчидан, ишхона ўз унингдек қадрдон бўлиб қолади, қолаверса шу ерда оғуриб, эътибор топасан, ҳаётингиз кичик бир бўлагини ўзига муқассам этган заминга илди отасан. Клавдия Семёновна 1945 йилда «Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси қўшида очилган олти ойлик тикув-бичув курсини тугатиб, 30 йилдан ортқи шу жойда меҳнат қилди. Алевтина Фёдоровна, Осиё Ўзбекова ва

лиш мақсадида ҳар биримизга 100 сўмдан пул беришди. Корхона ёрдами билан ўйинимиз тазмирлаб олдик. Мана шу сервантда кўриб турганингиз чинни ва биллуларнинг деярли барчасини мукофот пулларида олганман.

— Очиғи, яшашингизга ҳавасимиз келаяпти. Аммо бунга болаларнинг қувноқ қулгис-ю, шўхликлари қўшилганда хонадонингизга янада фазиз кирган бўларди.

— Нимасини айтасиз, — фикримизни маъқуллади Алевтина Фёдоровна. — Бир пайтлар шу уйда яшовчилардан кўпчилигининг фарзандлари ёнида эди. Улар энди уй-жойини бўлиб кетишди. Шунга қарамай зериниб қолмайми. Мана биз, уч дугона бир оиладек яшаб, доим иссиқ-совуғимиздан хабардоримиз. Ҳар бир уйда радио, телевизор бор. Оқшомлари йиғилишиб, суҳбатлар кураимиз. Осиё уруш йилларидаги қийинчиликларини эслаб туради. Клавдия Русиянинг Бийск шаҳрида яшовчи таниши Валентина Николовнанинг хатларидан ўқиб беради. Хуллас, ёлғизликни ҳис қилмаймиз.

Биз «Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнат фахрийлари ҳаётидан бир шияғил ҳикоя қилдик, холос. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида кенсалар ва ёлғиз оилаларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантириш жуда зарурдир. Бу борада Республикаимиз Президентининг Фармонларидан бирида ўз вақтида йўл-йўриқлар кўрсатилди. Ўйлашимиз, ҳар қанча қийинчиликларга қарамасдан бир-биримизни суниш, меҳр-мурувват кўрсатиш ҳеч қачон унутилмайди.

Саъдулла ШОДИЕВ.

Муствақил Ўзбекистон Ҳудудидега юксак ривожланган давлат, эриш жамият барпо этилишига юрдошларимиз қомил ишонч билан қарамоқдалар. Жаҳон ҳамжамияти бизларни таний бошлади. Машриқдан марғибага Ўзбекилар билан алоқа ўрнатилмоқда.

Республика муствақиллигини ҳосила вазиқлардан бири — ақнабий эллар билан ҳар тарафлама муносабат ўрнатилди, деб ҳисоблайман. Алоқа воситаси эса тилдир. Тилларни ўрганиш қай аҳводаллигига кўп нарсаси боғлиқ, унинг аҳамияти катта. Шунинг эътиборга олган олийгоҳимиз жамоаси тил «юртшўрини бошлаб юборган.

Хорижий забонлар сирасига кирадиган инглиз тили бўйича тўрт гуруҳдан иборат курслар очилиди. Уларда олийгоҳ муаллимлари ва талабалари бўш вақтларида ўн ойлик жадаллантирилган (интезив) машғулотларга қатнашмоқдалар. Муаллимлар гуруҳларидега фан докторлари Р. Аҳмедов, А. Абдуқодиров, ассистентлар К. Абдурашидов, С. Мусабоев, Н. Мамажоева инглиз тилини муқаммал эгаллашга астойдил қиршишган. Улар ўз илмий фаолиятларида инглизча гапириб ва ўқиб заруратини чуқур ҳис қилган ҳолда амалий сабоқ олишайпти. Машғулотларда доцентлар А. Азизов, О. Яқининова, Д. Семёновалар замонавий ўқув қўлланмалари ва таълимнинг техника воситаларидан моҳирона фойдаланишмоқда.

Хозир дорилмуаллимнида чет тиллар (инглиз, немис, франсуз, форс) умумтаълим ўқув фани сифатида ҳамма куллиетларда ўрганилди. Бундан ташқари рус тили ва адабиёти ҳамда мактабга тарбия муваххаслиги таъбирланадиган гуруҳларда иқинчи касб тарғида инглиз ва немис тиллари ўқитилди. Чет тилдан қўшиқча муваххаслиги оладиган талабалар махсус дастур асосида тахсил олмақдалар. Улардан айримлари, масалан, Л. Қанонов, К. Соколовалар Америка Қўшма Штатларига сафар қилиб, инглиз тили нуқтии мамлакатларини тақомиллаштириш ва амриқонилар турмушини яқиндан ҳис қилишга мушарраф бўлдилар. Чет тили муаллими касбини эгаллаётган ёшлар эса ўрта мактабларда таъриба орттиришайпти. Улар ўрганаётган тилларда динлом ишлари ҳимоя қилишари, шунингдек деюрий газетга ва хилма-хил аудивизуал воситалар таъйирлашади.

Олийгоҳда ўқитишни тақомиллаштириш кўзда тутилган дастур ишлаб чиқилди. Унга кўра чет тилнинг уч тоифа машғулотда ўргатиш режалаштирилмоқда.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш муҳимдир. Ўзбекистон аҳолисининг лисоний таълими уч тарабий қисмдан иборат: она тили, иқинчи тил ва чет тилини билиш. Ҳар учовини ўрганиш аҳамияти давлат тилига бағишланган қонуни ва тегишли ҳукумат ҳужжатларида алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Ўзбекистон- муствақил давлат ИШБИЛАРМОН ТИЛБИЛАРМОН БЎЛСИН

Тил — дил қалитидир, дейди доно халқимиз. Дўстлик, бирдорлик, қардошлиқ ришталари мана шу восита орқали бўғланади. Жамиятда тилларни ўрганишга унган эҳтиёж сезилмоқда. Айниқса ривожланган мамлакатлар тилини амалда эгаллаш гоёт фойдалидир. Инглиззабонларга эргасан, арабийўғиларга яқинлашсан, ишмиқ аянда юришмо кетишига ишонч касби қомил. Чет тилини касб тақоаси билан ўрганиш олий маълумот соҳиблари республикамизда етарли. Аммо бутун иқтисод, тижорат, сивасат, фан-техника муваххаслирининг хорижий тил биллишлари катта аҳамият касб этмоқда. Ишбилармоннинг бирламчи вазиқаси тилбилармонлик, десак хато бўлмайди.

Оммавий ахборот воситаларини чет тиллар тарбиботига фазл жалб этиш мақсада мувофиқ, деб ўйлайман. «Ойна жаҳондаги» қаналдан бирида инглизча фильмлар намойиш этиш, янглиқлар руқини очиб айна мудаодир. Амриқо эътиштиришларини олиб берса ҳам бўлади. Бу билан миллионлаб одамларга инглизча ахборот олиш имкони туғдирилади. Инглиз тилида рўзнома (ёки ҳафтанома) нашр этиш вақти келди. Унда ташқи ва ички масалалар ёритиб берилади.

Келажакимиз инглиззабонларга кўп жиҳатдан боғлиқ. Биланмизни,

фан-техника ахборотининг ансарият қисми шу тилда жамланган. Қолаверса, қитъаларининг барчасида инглиз тили давлат тили ёки иқинчи тил мақомини эгаллаган. Инглизча сўзловчи ишчи деярли барча миғтақда нуқтии мулоқот қила олади. Халқаро анжуманларда ҳам маъруза инглизча ўқилади.

Шуларни инобатга олиб, пойтахтимизда инглиз тили клуби таъкил этилишини истардим. Бу жойда четдан келганларнинг суҳбатлари ва олимлар маърузалари таъкил қилиб турилса, Шунингдек таржимонлар бюроси очил мақсада мувофиқдир. Ана шунда Тошкентда АҚШ, Англия, Австралия ва бошқа инглиззабон юртларининг филиаллари очгандек бўлар эдик.

Муҳим тадбирлардан яна бири шуки, чет тилларда ёзилган китобларни айирбошлаб, ақнабий давлатлардаги ахборот даонасидан фукорларимизни баҳраманд этиш зарур. Керакли адабиётларини пулга сотиб олиш, нарсаларни алмаштириш ҳам мумкин. Умуман эса инглизча-ўзбекча катта луғатлар, соҳаний луғатлар, сўзлашув қўлланмалари, янги дарслиқлар яратиш эътибордан четда қолмаслиги лозим.

Мана шу айтилган ва яна қўлаб бошқа тадбирларни зудлик билан амалга ошириш мақсадида пойтахтимизда Тошкент тиллар дорилфуунини таъкил қилиш зарурга ўшайди. Мажмур илм маканида келажакда герман, роман, славия, туркий ва бир қанча тиллар гуруҳлардан малакали муаллим, таржимон, тилишунос, сивасатдон етишиб чиққан бўлар эди.

Тил билишини рағбатлантириш орқалигина истақ дарамасига қўтарилши мумкин. Бунинг учун аввалию она тилида гапириб муҳорратини ўстириш зарур. Сўзловчининг нуқтии унинг маънавини кўзгуси ақналийини еддан чиқармайлик. Нуқт маданияти намуналарини Жорж Буш, Маргарет Тетчер, Анатолий Собчак, Эркин Воҳидовлардан ўргансан арзийди. Улар ҳам ички, (маъмуи) ҳам ташқи (шакл) жиҳатдан ибратомуз сўзлаш малакасига егадирлар.

Муствақиллигимиз ҳурмати, азимлар, нуқтиимизни пухталашга иштирайлик. Ўзбек тили маданиятидан сабоқ олишга тўғри келади. Тил билишга қараб маданият ўлчанади, бинобарин, дилдаги тилча чиқари деган нақилни ҳеч қайси биримиз еддан чиқармаслигимиз зарур.

Жамол ЖАЛОЛОВ,
Тошкент Давлат дорилмуаллим чет тиллар шўъбасининг мудири.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ВИЛОЯТЛАРИДА

ЛИМОН ЭВАЗИГА...
ЭХТИЁТ ҚИСМЛАР

Бозор муносабати билан ажувуда келган оғир шароит Навоий автобус — тақсимот парки жамоасини фойда олиш йўлида қўшимча имкониятларни ишлашга мажбур этди. Эҳтиёт қисмларнинг иқтиётида етишмаслиги сабабли ишчилар аёвондан қўлтирилган қорасини излабди ва уни топдилар. Бу мол алмаштириш хисобига керакли нарсаларни олиб келиш қийин бўларди.

Атомобилчилар эҳтиёт қисмлар эвазига Москва яқиндаги Электросталь шаҳрига лимон етказиб бера бошладилар. Бундан ташқари Волжск мотор заводи билан ҳам аҳдланш олинди. У ерда транспорт корхонасининг спесарлари бир неча ой ишлаётган. Бунинг хисобига Навоийга тақчил давгетеллар юборилди.

ҚИШ КЕМАЛАРИ
ЗЕРИКАЛИ БЎЛМАЙДИ

Шаҳриқон районидеги «Октябрь» жамоа кўчаларида янги клуб ўз вақтида фойдаланишга тошдирилди. Узоқ қиш кечаларда биргалашиб хордақ чиқарганга нима етсин. Боз устига хозир деқсонларнинг кўли бўш — дала ишларини бироқ унутиб, дам олиш мумкин, деб хабар беради УэАА муҳбири К. Низонов.

Клубда очилган тўғаракларда бадини ҳаваскорликни синаб кўриш, шахмат ва шашка ўйнаш, кутубхонадан китоблар олиш, рўзномалар, журналлар ўқиш имконияти бор. 500 ўрнали эвадда фильмлар намойиш қилинмоқда.

Янги клуб райога кўча маҳаназиқлашган қолонаси хўжалик хисобидиги бригадалари билан кўжалик бинокорлар бригадаси биргаланиб бундай этган ягона ишшоот эмас. Жамоа кўчаларида кейинги уч йилда савдо мажмуи, болалар боғчаси, ўқитиш уй-жойи қурилади. Дўконлар, ҳаммомлар, чойхоналар қурилиши иқтисодига етказилмоқда.

МУТАХАССИСЛАР ТАВСИЯСИГА КЎРА

Ўзбекистон давлат стандарти кодимиари Кўқон абзал ишлаб чиқариш бирлашмасига маҳсулот сифатини яхшилашга ёрдам бердилар. Улар технология нарсаларининг таъкил қилини аниқлашди, бундай буанлишлар натижасида нуқсонли маҳсулотлар ишлаб чиқаришар эди. Ўлчов воситалари етишмаслиги сабабли кор

хона назоратчилари бундай бўзилишларни аниқлай олмас эдилар. Ўзбекистон давлат стандарти мутахассисларининг тавсиясига биноан назоратчиларнинг иш жойи зарур ўлчов воситалари билан жиҳозланди, технология пухталаштирилди.

Тошкентдаги «Промсвязь» таъриба заводи бўлажак

янги йил байрамига таъйиргарлик кўра бошлади. Бу ерда арчага осилдадиган кичик чироқ шодалари ишлаб чиқариш яна бошланди. Олдин бундай маҳсулот сифатига эътирозлар кўп эди. Энди улардан фойдаланиш хусусиятлари яхшиланди, чироқ шодаларининг юз соат ишлашига нафолат прилади.



Сиз суратда кўриб турган кесалар Ўзбекистон Республикаси Қизил Ярим ой маданиятининг меҳр-мурувватидан баҳраманд бўлишайпти. Биргина булар эмас, жамият томонидан пойтахтимизда яшайтган 15-20 нафар меҳнат фахрийлари, боқувчи-

си бўлмаган отахонлар ва онахонлар учун бепул тушлик ташкил этилган. СУРАТДА: Ленин район ошхоналар трестига қарашли «Урфон» 10-ошхонасида ошпаз Зафар Қурбонов кесаларга хизмат кўрсатапти. Воҳид Тўраев сурати.

Оқош

ЗУЛФИЯ кўзга кўриниб қолганидан бери Ижобатхоннинг тинчи йўқолди. Қизи тушмагур шунақам кўхлик бўладими? Худди фарштаннинг ўғиниси. Бунинг устига ширинсузалигини айтмай-сизми? Ижобат ҳатто уни зиёфатларга олиб боршга кўнгли бўлмади. Бирдан фалонат босиб битта-аримтага илашиб қолса борми? Тамом...

Уч-тўрт кун бўлди, раққоса дугонаси унга галати гап айтиб қолди:

— Ижоб, қизинг жуда балокун-а? Битта йўгонинг қиз базмига борувдим, уша ерда бир қўшиқ айтиди дегин... Узингдан ҳам ўтадиган кўрилади. Энди уйда ўтириб, роҳатини кўрасан шекилли.

Ижобатнинг юраги орқасига тортиб кетди.

— Ҳа, тусингни ел есин сен лаққа балиқни! Қизини тўйма-тўй ўйнатиб кўрган ҳаловатим нима бўларди.

— Ҳа, энди сендан қолармиди? Онаси юрган йўлдан юрса айб бўлганими? — ҳиринглади дугонаси.

Ижобатнинг кайфияти бузилиб уйга қайтди. Наҳ эсининг тағида ясанган қизларни кўриб сўради:

— Ҳа қизлар, тинчликми?

— Қиз базмига бормоқчидинг. Дугонамиз айтмапти-да...

— Йў-ў! — чўзиб деди Ижобатхон, — Зулфия ҳам борадими?

— Ҳа, ўқишдан тўғри ўтаман деган эди...

Ижобатнинг юрагига гулгула тушди. Аксига олиб бугун тўйга бориши керак. Ўғли тўйи экан, катта бўлади. Борай деса, бу ёзда қизи...

Ижобат ўғил тўйга бормаслиги қарор қилди. Барибир бўлмади. Самат уни ялаб-юлқиди. Бағрига босиб арқалади. Тўйга олиб кетди. «Сенсиз тўй тўй бўладими?» деди у. Аксига олиб тўй айла-паллада тарқади. Ижобатхон санъаткор шериклари билан хайрмаъзурни насия қилиб уйга шошди.

Битта-аримта бойвачча билан ваъданг бор шекилли, — орқасидан гап қотди Самат, — балосан, Ижоб, балосан, ҳам хўрдани урасан, ҳам бурдани...

Ижобат уйга кирди. Ҳеч ним йўқ. Ошхонага югурди: ҳеч ним йўқ... Ўтоқхонада ҳеч ним йўқ. У мехмонхона ўртасидаги юмшоқ курсида бежамол қўяди. «Тамом, — ўйлади у, — ҳаммаси тамом бўлди. Қизим, нима бўлди сенга, қизим? Онанг қилган хатони сен ҳам такрорлабсанми, она қизим?»

У беатитлар кеңг хонхатининг бир четига мунгайиб ўтирарди. Юраги урялтимай-йўқми пайғамасди. Қанча ўтириб билмайди... Бир маҳал кўзи устол четигада бичқ етган қалин дафтарга тушди. Ижобатхон серкан тортиди: «Не, меннинг дафтаримку. Қим очиб кўйдим? Қим ўқидийми? Е тавба, нимадор бўлди хондонимда?»

У беҳтиёр ўрнидан туриб, дафтарни қўлига олди. Бағрига босди. Чукур сўлиш олди.

— Шу дафтарда меннинг бутун ҳаётим, — шивирлади у, — шу дафтарда, — Кейин беҳтиёр ўриндиққа чўди. Дафтарни арақлабди...

«28 июль 197... йил.

Нега ушбу дафтарга дардимни ёзаётирман. Балки юрагим тўлиб кетганиданими? Балки умримнинг кайф-сафоси эрта бошланганини, жабру жафоси ҳам эртароқ келиши ич-этимни ўртаб юборганиданими?

Уша ёз оқшоми, уша қиз базми кечаси, мен кеч қайтган қиз базми кечаси ҳаётимни ўзгартириб юборганини бугун минг алам билан ёзаётирман.

... Эшик кўнгириги жиринглади. Бориб очсам Содиқ...

— Кел, Содиқ, — дедим унга, — уйга кир.

— Ҳў, — деди у, — Ижоб, жон Ижоб, бир илтимосим бор, йўқ деманг.

Содиқ мактабимизда ашулачи деб ном чиқарган, биздан бир синф юқорида ўқийдиган бола эди. Ни-

ма ниш бор экан менда?!

— Иштихонларга тайёрланаётувдим. Нима ишинг бор, айтақол...

— Жон Ижоб, унча-мунча рақс тушиб турар эдинг. Биласан, санъатчилар гуруҳимиз бор... Мен бошман уларга. Шу, раққоса қизимизнинг тоби қочиброқ қолибди... Биз билан бир соатга қиз базмига бориб кел... Хўп деяқол, Ижоб... Дарс қилавериб чарчагандирсан... Кейин пул дегандек...

Қиз базмига бордим... Содиқ қўшиқ айтиди, мен ўйнадим. Мактабда туппа-тузуқ рақс тушиб турар эдим. Шу кунни нима бўлди, роса ўйнадим... Бировлари ўймоқчи, бировлари пул қистирмоқчи бўладими-ей...

Бир соат ҳам роса чўзилди. Содиқ машинасида уйимизгача олиб келиб қўйди...

— Ойимга бир соатга дедим, энди нима бўлади? — дедим хавотир олиб.

— Ҳеч нима. — Содиқ мени шартта бағрига босиб ўпди... — зўр қизсан-да, Ижоб!

Вужудим титраб, қўлоқларим шанғиллаб кетди.

Ҳаёт сабоқлари

«ҚИЗИМ, МЕН ҚИЛГАН ХАТОНИ ТАКРОРЛАМА»

— Ма, ол, — у қўлимга бир даста пул қистирди. — Сеннинг ҳақинг. Институтни битириб ҳам шунча пул топасанми йўқим ҳали...

Ширин бўсаннинг лаззатидан сармаст, эшикни тақиллатдим. Ойим эшикни очди.

— Ҳа, кўршапалак, қаерда эдинг?!

— Қиз базмиде эдим. Айтудимку...

— Соат бир бўляпти... Келин-куёвни ўқизиб келдингми? Бор, қаердан келган бўлсанг, уша ёққа йўқол! — ойим эшикни қарс этиб ёпди.

— Ойи, ойижон... Қаёққа бораман ярим кечаси?! Мени кечиринг, бошқа қилмайман...

Ойим эшикни очмадилар. Ўқраб йиғлаганча изимга қайтдим... Қаёққа бораман?! Нима иш қилиб қўйдим ўйи? Мени беваликда бир кўзлаб юзга етказган онаминг юзига оёқ босдимми?!

Кўча бошида шарпа кўрипти. Тўхтадим. Шарпа менга яқинлаб келди.

— Содиқ! — дедим ҳайратда, — кетмадингми?

— Кетолмадим! — унинг овози сирли эшитилди.

— Энди қаёққа борасан?

— Билмадим, — яна ўпкам тўлиб кетди.

— Юр бўлмаса бизникка. Эрталаб ваҳли қайтиб келасан.

Ихтиёрсиз Содиққа эргашдим. Шу тун қандай бўлганини ёзмайман... Ёзолмайман! Мен бор нарсани шу базмада, шу тунда бой бергандим...

«12 август. 197... йил.

Бугун иккинчи имтиҳонни топширдим. Рухим энгил... Онам билан ярашиб олгандан бери биринчи бор шунақа энгиллик туйдим вужудимда. Ойимга айтувдим, улар ҳам севишдилар.

— Хайрият, бир эсингдан айрил-

динг-да қизим, ўзи сен олима бўладиган қизсан! — дедилар юзларимни силлаб. Кейин, — негадир юзларинг галатироқми? — деб қўйдилар.

Юрагим орқасига тортиб кетди. Содиқ... Содиқ тўйни қачон қилади экан? Эй худойим, мену шармисор этма?!

«14 октябрь 198... йил. Содиқ билан ишьяманку, ўзимдан хурсанд эмасман. Кичкина бўлса ҳам тўй бўлди. Лекин онам барибир нимадандир шуҳаланиб юрадилар. Содиққа унча рўйхуш бермайдилар.

— Шайтон шу эринг! — деб қўйдилар. Қандай қилай, ойижон!»

«3 апрель 198... йил. Содиқ бир нечада гоийб бўлди. Оҳ десам оҳимдан тўтун чиқади. Онам шуҳаланган иш бўлди. Менга Содиқдан икки хонали уй ва бир қиз мерос бўлиб қоладими? Эй худо, ўзинг кеçир!»

«21 июль 198... йил. Қизалоқлик бўлдим.

Дастлаб бўғиб ташлагим келди. Лекин қилолмадим, қилолмайман бу ишни.

Онам ҳам нима бўлганини ипидан-иғнасигача биллиб олдилар. Юраклари ёмон эди, ётиб қолдилар.

Энди тиркичилигим нима бўлади?

«20 май 198... йил.

Энди дафтарга ёзишга гоҳ-гоҳда бир кўлим зўрга тегаяпти. Институт ҳам тугалланмай қолиб кетди. Ваазу жамширдлардаги хиромон рақс тушишларим ўзимга бирам ёқардим. Бу ёқма мил-мил пул. Синабандингдан тортиб липпангача қистиряшди. Қиланглаб, қош қоқиб турсан бўлди...

Гуруҳ бошимиз кулгани кулган:

— Қистирилган жойингизга ўзингизни, Ижоб... Фақат тўйдан кейин бир соат вақт ажратарсан-а? Мен ҳам беш-ўн сўм қистирай, жонингдан аканг!

Қистирса қистирвермайдими. Этим жимирласа ўлай агар!»

«18 август. 199... йил.

Эртага қизим ўзинчи синфин битиради. Менинг қимлигимни биллиб ҳам олгандир... Келажакнинг эсласам этим увушадиган бўлиб қолди: яллагининг қиз деб унга ҳеч қим ўйланмас-я! Шўрм кўрсини. Қасрим энди қизимга ҳам урадимми? Онаму неварасининг тўйини кўрсан эди, деб орзулаб дунёдан ўтдилар...

Ижобат дафтарини отиб юборди. Кўксидан нидо отилиб чиқди:

— Ойижон, тўрингиз нурга тўйсин, ойижон! Уша қизим дўшпослаганиз ҳам уйга кирганингизга шу нарсалар, шу кўнгулларим бўли-масини балким! Битта хатойим учун бутун умр хун тўламасми-ди! Узимнику майли, энди қизимнику ҳам бормиди!!

У ўқраб-ўқраб йиғлади. Йиғлагани сари одам энгил тортади, дейишадди. Лекин Ижобат йиғлагани сари харсанг тошдек ўриндиққа чўкиб борарди...

У бировнинг майин қўли сочларини силаётганини ҳис этди. Шаҳд бошини кўтарди. Қизи экан.

— Қаерда эдинг! — Қизининг қизарган кўзларига тикилди. Ижобат. — Қачон келдинг қиз қозин?

— Шу ерда, айвонда эдим. — Зулфия унинг юзларига юзюни босди. — Сизга қийин бўлган экан, ойижон...

— Ўқидингми? — шивирлаб ингради Ижобат, — ҳаммасини ўқидингми?

— Ҳа, — деди Зулфия онасини маҳнамроқ кучиб, — Сизда ҳеч қанақа тўноқ йўқ, ойижон!

— Жон қизим, мен қилган хатони такрорлама, она қизим. Сочларим сулуриги, кўлим косов бўлса ҳам майли. Улгунича болачақалирининг тағлигини ювай, фақат мен юрган йўлдан юрма.

Зулфия Ижобатни маҳнам кучар, онасининг кўз ёшлари унинг юзларидан думалаб тушарди.

— Ҳеч қачон, ҳеч қачон! — шивирлади қизи, — ҳеч қачон қиз базмидан кеч қайтмайман!

Устол устидаги дафтарнинг опи-поқ арақларида эса қандил нурлари ўйнади: кўраимиз, кўраимиз.

Темур УВАДУЛЛО.

Акс садо

«ҚАЙТАР ДУНЁ» ДЕЙДИЛАР

ХУРМАТЛИ муҳаррир! Рўзномангизнинг 19 декабрь сониде босилган «Эзинг, одамлар оғоҳ бўлишини» мақола-сини ўқидиму жамиятимизда ҳақиқатча ўз юфти ҳалолни бехурмат қиладиган, унга ҳам жисмоний, ҳам руҳий азоб берадиган йигитлар борлигиндан дилим ўртанди. Зулхумор эри Комилжонга нима ёмонлик қилибдики шунча укубатларга чидашга маҳкум этилган бўлса.

Унда, бунчалар бемехр бўлманг, онангиз қузурга қай-тинг. Ҳали ёшиз, ҳаётнинг барча қувончу ташвишлари ҳали олдинда. Онангизнинг қисмати сизнинг ҳам чекингизга тушмаслигига ким нафил бўла олади! Ахир «қайтар дунё» дейдилар...

Гулчеҳра ҚУЛДОШЕВА.

ШОЯД ИНСОҒГА КЕЛСАЛАР

СИНГЛИМ Зулхумор! Мен тақдирингиздан бир лаъза битилган «Эзинг, одамлар оғоҳ бўлишини» номли мақолани ўқиб чукур ҳайла толдим. Билмаман, агар эрингиз Комилжон, қизингиз Умиде сиз орзиниб кутган умид йўлдан борганлариде эди, бундай «ўргуликларга» етмаган бўлар эдингиз. Энди ягона чора бўлган эрингиз ҳамда қизингизинг инсофга қорланг, шояд улар ҳам одамлардек яшаб эзингизни қиралашган дилингизни қувончу нурларига бурқасалар. Унда қилиб айтманки, сизни азобга қўйганларини озгина бўлса-да виждон азоби қийнаса, албатта маҳрингизни қозонурлар.

Юнус МАҲАМЕДОВ.



СОВИР Раҳимов райондаги «Зарбдор» маҳалласида истиқомат қилувчи Мурод ота Маъруповни кексаёш таъиниди. Унинг бир йиллик умри пой-абзал фабрикаси билан боғлиқ. Бир қорхонада 40 йил ишлашнинг ўзи бўлди! Дастлаб чарм кесувчи, уста ва бичкиччи касбларида барақали меҳнат қилди. Эндиликда қаралиқ гаштини су-

риш билан бирга иқтисодий таълиқ шартонга олгансини моддий аҳолини яхшилаш учун томонқисда қўй ва товуқ боқмоқда.

СУРАТДА: Мурод ота Маърупов қизлари ва келинлари ҳамда ўғли билан суҳбатлашмоқда.

Равилль Альбеков сурати.

ИМОНИНГДАН АЙРИЛМА

КУНЛАРИНИГ бирда бир аёл ўзининг нозик хунари билан эл орасида машҳур бўлган кекса зарғар хузурга келиб:

— Мана шу тилла тағандан менга узук ва зирак асаб берсангиз, — деб илтимос қилди.

— Ҳўп, бўлади, она қизим. — Фақат, отахон, айбга бур-юрмайси, айрим зарғарларнинг қаллоблиги, фирибгарлиги ҳақида кўп эшиттман. Шунинг учун тақинчоқларни кўз олдинда асаб берсангиз, — Маъқул.

Уста ийингиде қулиб миша киришди. Тилани эритди, қуйди ва эғовлаб унга жипс бераётган вақтда «Ҳар кимга инсоф бер», «Инсонлар орасидан меҳр-муҳаббатни олма», «Оқибат йўқолмасин», «Ҳар кимнинг иймон, эътиқодидан айирма» каби тиллавларни айтиб, ҳар сафар узун ва кўркам соқолини силлаб қўяди. Иш охирига етгунча аёл сабр-бардош билан устанинг ишига тикилиб ўтирди. Узук ва зирак тайёр бўлган:

— Қизим, ўз тиллангизни ишлатдинг, ҳеч нарсга қўшма-дим, ундан олиб ҳам қолганим йўқ, шундайми? — сўради уста.

— Шундай, отахон, барақа топинг, қўлингиз дард кўрма-син, ҳалол уста экансиз.

— Энди бу ёққа қаранг, — деди уста ва ёнқдан майда тилиш тороқ чиқариб ёзилган оқ мато устида соқолини тақини. Соқол орасидан анча миқдорда олтин зарралари тўкилди.

— Ҳўш, бунга нима дейсиз, қизим!

Аёл ҳайратдан ёқсини ушлади, лекин тилига бирор сўз келмади.

— Мен бу ишни сизга иб-рат бўлиш деб қилдим. Зарғарларнинг ҳаммаси ҳам ишонсиз одамлар эмас, Мана, ортан олтинларингизни олинг.

Аёл ҳамон нима қиларини ва нима дейишини билмай гарагит эди.

— Мен умр бўйи қаромдан, бировнинг ҳақидан ҳазар қилиб яшаганман. Фарзандларимга ҳам шундай тарбия берганман.

— Лекин орамизда бировнинг ҳақидан кўрмайдиган инсофсиз, динёнэтсиз кимсалар ҳам бор-ку!

— Тўғри, беш бармоқ баравар эмас. Бу иллат ҳар кимнинг олган тарбиясига, ҳаром билан ҳалолнинг фарқлай билмаслигига, мол-дунёга ҳирс қўйишига боғлиқ. Шунинг унутмангки, қизим, ёмонлик, ўғрилик, фирибгарлик, қаллоблик қилман деган ниъти бузуқ, кўнгли қора одам бу ишни бошқаларнинг кўзи олдида ҳам қилиши мумкин. Шунинг учун ҳар ким ўз виждонини, иймонини билан иш тутсин, ҳар кимнинг ўзида инсоф бўлсин. Ҳеч ким буза-қалар олаида ўз ишонини йўқотмасин. Уланган фиринг, қилинган ийнатинг пок, бе-қўллар ва савийми бўлганин ях-

— Яхши ниъат қилиш, сўзиде ва ишиде пок қўнгили бўлиш — гўзал хулқ белгилари-дандир.

— Сизни рақибитганим учун узур, отахон.

— Мана бу ибратли ҳикоятни тилланг, қизим.

Мушук сичқоннинг ини олди-га борганда қовоқда сичқон бормикин, тез орада чиқар-микин, уни тута оламанми, деган ўй билан эмас, сичқон бор, ҳозир чиқади ва уни албатта тутаман деган ниъат билан борар экан. Шунинг учун сичқон инқидан чиққанга худди сеҳрлангандек мушук чин-галига тушадди. Мушунинг бутун кўнгли-қўлига, асосий тилига ва ниътига ўқ учун лаззатли емайш топши бўлгани учун мақсадаг эришадди. Инсоф фақат қорин тўйдирди, мол-дунё тўплаш учун яшамайди. Бошқаларга яхшилик қилиш, кўмаклашши, оғир дилларда ёрдам қилиш чўзиш инсофга нечоғли маънавий озук бери-шини ҳар қандай ахлоқли, тарбияли, чин кўнглили, тўғри сўз ва пок ниъатли одам яхши ҳис этади.

— Сизга олиб келган тангам отамдан қолган ягона ёдгорлик эди. Шундай тўқинчоққа эга бўлишни неча йиллардан бери орзу қилар эдим.

— Яхши ниъат — одамийлик, инсонийлик белгиси. Гўзал хулқи инсоннинг ниъати ҳам гўзал бўлади. Бу бевақарлар яхши ва хурсандчилик кулани-рингизда таъиб юринг. Яхши ниъат сизга бир умр ҳамроҳ бўлсин.

— Миннатдор аёлнинг кўзлари-да ёш қалқиди.

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ, ўқитувчи.

ҲАМДУСТЛИК ЯНГИЛИКЛАРИ

МОСКВА. Гоголь хиёбонидаги «Сувраткашлар марказида ёш немис сувраткаш рэссоми Хельмут Фишернинг шахсий кўргазмаси очилди. Лекин у бу маросимда қатнашмас олмади. ПАТА-ТАСС муҳбирига маълум бўлишича, Фишер ўз машинасида Москвага бораётганда йўлда унга қароқчиларча ҳужум қилинган. Ҳозир у хотини билан Белерус ҳудудида пулсиз ва бензисиз ўтирибди.

ТБИЛИСИ. Грузия вақтин ҳукуматининг қўшинлари Су-чумига қирдилар. Абхазия олий кеңаш матбуот марказининг раҳбари Беслан Барганкия ПАТА-ТАСС муҳбири билан телефон орқали суҳбатда Абхазия раҳбарчи-лиги қўшинлар киритилиши тўғрисида хабардор қилинганини айтиди. У республика ҳудуди Кавказ орти минтақа-сида кескинлини келтириб чиқарадиган жой бўлиши мумкин эмаслигини таъкидла-ди. Барганкиянинг сўзларига қараганда, ҳозирги пайтда Грузияда аҳолининг беқарор-лашуви ҳеч қимга керак эмас.



МОСКВА. «Звездный» кино-театрида янги ташкил этилган «Экстр» студиясининг чиқишлари жамоа ҳуқуқига ҳавола этилди. Бу студия ўз атрафига ўзга сайёра вақиллари билан мулоқот қила оладиганларини, сеҳр-га, афсулар ҳамда кўзбой-логичларни тўлашгани режа-лаштирган. «Россия афсулар-чи» шiori остида ўтган чиқишларга таъниқ эстрада-сене, афсулар ва сеҳрлар таршир буюришган.

СУРАТДА: «Мўъжизасиз муъжиза» ноиял қизида Олег Регейди ўз имкония-тини намойиш этмоқда.

А. Антонов сурати.

ОЛМАОТА. Республика Олий Кеңашининг қарори э-ллон қилинди. Қарорда Қозо-ғистон фуқаролари бўлган ҳарбий хизматчилардан мил-латлараро негизда рўй бе-радиган моҳирларда фойда-ланишга чек қўйлади.

Қарорда собиқ СССР Итти-фоқи ҳудудида миллатлараро моҳирларнинг кескинлашуви, ана шу моҳирларга чек қўй-илиши ёни уларни пасайтириш мақсадида қуролли кучлар ва чегара қўшинлари шахсий составидан фойдаланиш қо-зоғистонлик ҳарбий хизмат-чиларнинг ўлимга ва жеро-ҳатланишга олиб-келмоқда, деб таъкидланди. Шу сабаб-ли Олий Кеңаш Қозоғистон республикасини фуқаролари бўлган ҳарбий хизматчиларнинг миллатлараро моҳирларнинг ҳал этишда қатнашларини таъқиқлаб қўйди.

Айни вақтда Қозоғистон президенти «Қозоғистонлик жангчиларнинг ҳамдўстлик давлатлари ҳудудида бундан буён хизмат қилишлари тў-ғрисидаги масалани келишиб олиш, давлат мудоффа коми-тетига эса «бир ой мuddат ичида ҳақини қизматда бўл-ган қозоғистонлик жангчилар-ни МДҲ таркибига кирмаган давлатлар ҳудудида жойлаш-ган ҳарбий қисмлар ва муас-сасалардан чиқариб олиш» тақлиф қилинди.

Латифжон МАНСУРОВ.

Унинг қувончи ва бахтику. Жа-мийатимизда алла айтмай, бе-шиқ тебратилмасдан ва умуман фарзанд кўрмай, доғ-ҳасратда ўтаётган аёлларимиз ҳам уч-раб турадику. Мурак қака-лоқнинг ёқимал овози чиқ-маётган хонадонлар ҳам бор-ку!

Шахримизнинг спорт уфқлари

ТОШКЕНТДА 2000-ЙИЛГИ ОЛИМПИАДА ЎТАДИМИ?

Республикамиз ниҳоят эришиб қўйилган мустақилликка эришди. Мустақиллик авваллаб бор, хоржик давлатларнинг тав олиши, улар билан ўзаро манфаатли асосда ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини ўрнатилганда намойи бўлади. Шунини қувонарлик, тез орада пойтахтимизнинг Буен Британиянинг Бирмингем шаҳри билан биродарлашнинг гувоҳи бўламиз. Яқинда Буен Британиядан ташриф буюрган бир гуруҳ ишбилармон кишилар иштирокида дипломатия ва менежмент халқаро дорифунун ташкил этилди. Янги дорифунун хоржик мамлакатлари билан яқин қўриқсодий ва сийсий алоқалар боғлашда муҳим омили вазифасини ўтайди. Кунин кеча эса Бирмингем департаментининг спорт бўйича директори, халқаро олимпиада комитетининг аъзоси Жеймс Мунн, Буен Британия менежерлар уюшмаси бошқаруви раиси Питер Хугтон, туризм ва дам олишни ташкил этиш бўйича комиссиянинг директори Дэвид Френсис ҳамда менежерлар уюшмасининг бош директори Аҳмад Туронларнинг ўзбекистон Республикаси жамийоти тарбия ва спорт комитетининг мажлислар залда спорт журналистлари билан матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда тилга олинган асосий мазму — Бу Тошкентнинг 2000 йилги олимпиадани ўтказишга даъвогар бўлиши масаласи эди.

Берлин, Манчестер, Пекин шаҳарлари бор ва уларнинг айрим устунликлари мавжуд эканлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Бироқ биз Тошкентга омад тилайми ва ғолибанинг амалга ошиши учун бутун имкониятларини ишта солаёми.

Дэвид Френсис: — Менда айниқса Чимнинг гузал табиати унутилмас таассурот қолдириди. — Бу ерда киши спорт турлари бўйича халқаро мусобақаларни ўтказиш учун барча шарт-шароитлар етарли. Жаҳонда тобора оммалашиб бораётган бундай имкониятлар бор экан. Қўриқсодий келгусида Ўзбекистон қўриқсодий спорт турларининг маркази бўлиб қолади деб хулоса чиқаришимиз мумкин. Фақат бунинг учун анчагина меҳнат қилишга тўғри келади. Амминанки, келгуси йилдан Чимёнда Буен Британиялик чангичларини кўрсиз.

Пойтахтингдаги «Буревестник», «Меҳнат резервлари», «Динамо», спорт комплекслари ҳам мазмунли арзонулик. Айниқса «Буревестник»даги 25 метрик сува ҳаваси, ақойиб теннис кортилари, усти ёлпик заллар — юқори малакали спортчилар етиштирадиган ўчоқнинг ўзи. Бизларда бундай спорт иншоотларини ақсарият ҳолларда қўриқсодий. Ақойиб спорт иншоотларининг бор экан, бироқ, очинини айтганда уларнинг қўриқсодий таъмирталаб. Анчагина қисми бундан 10-15 йил олдин қўрилган бўлиб, уларни замон талаблари асосида қайта ишламоқ зарур. Балки Тошкентда олимпиадани ўтказиш насиб этмас, бироқ муҳими, шу эзгу мақсад билан берпо этилган замонавий спорт иншоотлари ҳалқ учун хизмат қилади. Шунини унутмаслик жоизки, шаҳар замонавийлашди, кишилар ҳам ривожланиди.

Биз биринчилик ҳаммиллатимиз Аҳмад Турон маърузасини сабрсизлик билан кутардик. Кўринишдан европалик зийлини эслатса-да, у ўзбек тилида бемалол сўзлади.

Шахримизга, умуман Ўзбекистонга биринчи бор ташриф буюришим. — Тошкент билан Бирмингем ўртасида қандайдир муштараклик, ўхшашлик бордир. Анқироғи, Тошкент бундан 10 йил олдинги Бирмингемни эслатади. Жуғрофия жиҳатдан анча қулай ерда жойлашган экан. Уйлейманки, яқин беш йил ичда шахримиз муҳим иқтисодий ўзгаришларини бошидан кечиради. Ўзбекистон билан тижорат, савдо-сотиқ алоқаларини ривожлантиришнинг айни вақти келди, чунки ҳозир кўпгина чет эл мамлакатлари собиқ совет республикаларига ўз капиталларини олиб кирмоқчи. Бунинг учун эса Ўзбекистондаги каби муҳим сийсий ҳолат даркор бўлади. Самарқанд, Бухоро шаҳарларида ҳам бўлиди. Улкангизда туризмни ривожлантириш учун беқис имкониятлар мавжуд экан. Келажакда ўртамизда жисмоний ва маънавий яқинлик ўрнатилишига ишонаман. Олимпиадани Тошкентда ўтказиш эса пойтахтининг ҳақиқий шарҳ машъали даражасига кўтарилади.

Буюн Британияда ўзбеклар кўпми! — Буюн Британияда ўзбеклар нисбатан кам, лекин уларнинг асосий қисми Бирмингем шаҳрида. Анчадан бери ўйлаб қўйган бир эзгу ниятим бор. Америка Қўшма Штатларидаги миллатдошларим билан ўзбеклар жамийатини тузумқиман. Асосий мақсадим ушбу жамият сийсий томондан ҳам фаол бўлс.

Ҳа, Буюн Британияликларнинг шахримиз ҳақидаги илқ сўзлари кишини қувонтиради. Тошкент олимпиадани ўтказишга расий дъвогарини хошимини билдирса, ўйлашимиз, шахримиз анда гузал тус олади, унда қўлпаб замонавий оромгоҳлар ва спорт иншоотлари қад кўтарарди, халқаро миқёсдаги обрўси ошарди. Халқимизда «Омад қўши фақат бир марта қўлади» деган нақл бор. Муҳими, ана шу омад қўшини ўчириб юзмишимиз.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

ТИЖОРАТ ЖАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР



СИЗНИНГ МУВАФАҚАЯТИНГИЗ УМУМИЙ ИШИМИЗГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ!

Сизнинг бирор-бир маҳсулотни - ускуналар, хом ашё, транспорт воситасини сотиб олиш ёки сотиш билан, у ёки бу хизмат билан боғлиқ муаммоларингиз бўлса, "БИККС-АЛИНА" БРОКЕРЛИК ФИРМАСИ УЛАРНИ ЎЗ ЗИММАСИГА ОЛИШГА ТАЙЁР!

"БИККС-АЛИНА" брокерлик фирмаси мамлакатимизнинг энг йирик 8 фирмасида: Россия мол-хом ашё, Москва мол фирмаларида, Россия деҳқончилик биржасида, "Санкт-Петербург" биржасида, Бутунроссия кўчма мулк биржасида, "Тошкент" универсал мол биржаси, Қирғизистон мол-хом ашё биржасида, Россия ўрмон биржасида ўз идораларига эга. Шунингдек, "БИККС-АЛИНА" турли биржаларда яна 18та брокерлик идоралари билан ҳамкорлик қилади. Ахборот-брокерлик хизматига узоқ муддатли шартномалар тузилган тақдирда "БИККС-АЛИНА" фирмаси ўз мижозларига брокерлик фонзидан маълум қисмини чегириб ташлайди, олди-сотди тугаганидан сўнг 24 соат мобайнида уларни биржалаги нархлар, моллар, хизматларга доир тўлиқ ахборотлар билан таъминлайди. Бозорни яқши билиш, кенг алоқалар, тажрибали брокерлар ва самимий муносабатлар муаммоларингизни биргалликда ҳал қилишимизга ёрдам беради. Бизнинг манзилимиз: Тошкент-146, Зебо Шамсуддинова кўчаси, 2-боши берк кўча. Тошкентдаги телефонлар: 91-31-08, 98-64-53, 68-70-35, 90-94-85. Тошкентдаги телефакс 8(3712) 904197. "БИККС-АЛИНА" УЮШМАСИ. "САРБОН" ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.



ЯХШИ ЖИҲОЗЛАНГАН ХИЗМАТ ХОНАСИ-ФИРМАНИЗГА ҚИЁФАСИ ЯХШИ ЖИҲОЗЛАНГАН ХИЗМАТ ХОНАСИ-АЪЛО КАЙФИЯТ, АЪЛО БИЗНЕС ДЕМАКДИР

Агар сиз хизмат хонангизга қаҳвахона ёки концерт залингизга замонавий ва ўзига хос қиёфа бағишламоқчи бўлсангиз "БИККС-АЛИНА" уюшмаси СИЗГА ЁРДАМ БЕРАДИ.

Биз турли-туман манзарали пардозлаш материалларидан қўйидагиларни таклиф қиламиз: темир ва чарм билан пардозланган девор панеллари; тилларанг ва оқ тусли алюминийдан турли бадиий услубларда ясалган осма шиплар; ўзига хос шаклдаги шамчироклар. Улар девор ва шипларнинг металл безаклари билан яқши ўйғунлашиб кетади, хона ўзига хос ёришлайди.

Махсулотларингиз энгил йиғилади, улардан фойдаланиш осон, узоқ вақт хизмат қилади. Ўз уйим ўлан тушагим, дейишади. Амминизки, "БИККС-АЛИНА" фирмасининг жиҳозлари билан безатилган хоналар сизга гоёт ҳузур бағишлайди.

Манзилимиз: Тошкент-146, Зебо Шамсуддинова кўчаси, 2-боши берк кўча. Тошкентдаги телефонлар: 91-31-08, 98-64-53, 68-70-35, 90-94-85. Тошкентдаги телефакс 8(3712) 904197.

"БИККС-АЛИНА" УЮШМАСИ. "САРБОН" ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА 24 ФЕВРАЛЬ СОАТ 18.30 ДА КЎПСОНЛИ ҚЎШИҚ ШИНАВАНДАЛАРИНИНГ ИЛТИМОСИГА БИНОАН ХУШОВОЗ ХОНАНДА ЮЛДУЗ УСМОНОВАНИНГ ҚЎШИМЧА КОНЦЕРТИ ЎТҚАЗИЛАДИ ЧИПТАЛАР САРОЙ НАССАЛАРИДА СОТИЛМОҚДА.

ЛЕКТОРЛАР ЎЙИ

«ИЖОД» МАНЗАРАЛИ-АМАЛИИ САЊЪАТ МАРКАЗИ барча хоҳловчиларни ҳозирги замон дизайнерлари ва кенг қамровли безатувчи-расмолари тайёрлайдиган 3 ойлик тезкор курсларга ТАКЛИФ ЭТАДИ

Машгулотлар юксак малакали мутахассислар томонидан ҳар шабна ва яшанба кунлари соат 9 дан 12.00 гача, 12 дан 15.00 гача ва 15 дан 18.00 гача олиб борилади. ДАСТАЛБКИ ЙИГИЛИШ — 1992 ЙИЛ 23 ФЕВРАЛЬ СОАТ 18 ДА ЎТҚАЗИЛАДИ.

Ҳозирги замон дизайнерлари ва кенг қамровли безатувчи-расмолари тайёрлайдиган 1 ойлик тезкор дорларга ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Машгулотлар шабна ва яшанбадан ташқари ҳар кун Сиз учун қулай пайтларда ўтказилади. ДАСТАЛБКИ ЙИГИЛИШ — 24 ФЕВРАЛЬ СОАТ 18 ДА ЎТҚАЗИЛАДИ.

Ўқини битирганларга инглиз тилида ялова варақаси бўлган диплом берилади. Нақд пул билан ёки пул ўтказиш йўли билан ҳақ тўланади. Дастлабки йиғилишларда ва шахсан мурожаат этилганда аввалги давраларда курсларни битириб кетганларнинг ишлари кенг намойиш қилинади. Машгулотларда курс талабалари барча зарур материаллар билан таъминланади. Меҳмонхонадан жой берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, 128-алоқа бўлими, Марказ — 14, А. Қодирий кўчаси, 13-уй. ТЕЛЕФОНЛАР: 44-55-31, 67-10-00 (кечки пайт).

ШАҲАРЛАРО АВТОМАТ ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИДАН ФОИДАЛАНУВЧИ ТОШКЕНТ

ШАҲАР АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА АВТОМАТ ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИДАГИ ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАР: Гомель — 02322+xxxx, 0232+xxxxxx, маълумотлар бюроси — 9909111. Ужгород — 03122+xxxx, 0312+xxxxxx, маълумотлар бюроси — 32222.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РАЙОН МАРКАЗИГА: Шумана — 36134+АТС номери, маълумотлар бюроси — 62222.

ЧИМКЕНТ ВИЛОЯТИ РАЙОН МАРКАЗИГА: Чаян — 32548+АТС номери.

ШАҲАРЛАРДАГИ ШАҲАРЛАРО ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР: Бишкек шаҳридаги 24 xxxx, 25 xxxx телефонлари қисман 21 xxxx га тартибсиз қайта уланади. Маълумотлар бюроси — 9909111.

Челябинск шаҳрида ГТС-9909111 маълумотлар бюросига чиқиш ташкил этилди, аввалги номер сақлаб қолинади.

Наманган шаҳрида янги 4 АТСнинг ишга туширилиши муносабати билан аввалги 4 АТСнинг телефон рақамлари: 411 хх 436 хх га, 412 хх 437 хх га, 417 хх 438 хх га, 414 хх 430 хх га ўзгаради. Маълумотлар бюроси — 41414, 44592.

Тошкент шаҳридаги 42-АТС абонентлари ўз номерларини термаган ҳолда шаҳарлараро автомат телефон алоқаси номерини терадилар. Маълумотлар бюроси — 44-39-31.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 5 январдаги 2-сонли Қарорига мувофиқ, 1992 йил 6 январдан бошлаб шаҳарлараро телеграф-телефон алоқаси хизматлари учун олиннадиган 5 фонзли солиқ бекор қилинади.

Тошкент телеграф-телефон станцияси «Союзреклама» акционерлик жамиятининг «Сарбон» Ўзбекистон реклама агентлиги.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ КИМЕ ИЛМҒОҒИ ЛАБОРАТОРИЯЛАР БЎИЧА ЎЪЛОН ҚИЛАДИ

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 13/II да Кармен, 14/II да Корсар, 15/II да Отелло.

ХАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/II да Хотинлар «Ғапидан чиққан ҳангома, 14/II да А. Қодирийнинг ўтган кунлари, 15/II да Тақдир эшиги.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 13/II да Кўёвлар конкурси, 14/II да Менинг опоқ кабулларим, 15/II да Кулги ва шодлик нечаси.

13 ФЕВРАЛДА

Алишер Навоий номидаги Саъват саройида — «ТАНГАЛИК БОЛАЛАР» (18.00, 20.00, ўзбек тилида). Фуқрат — «КИШАН ВА КАНХАЯ» (17.00, 20.00). Топсовет — «КИШАН ВА КАНХАЯ» (17.00, 20.00).

Москва — «СЕВГИ, СЕВГИ, СЕВГИ» (18.20, 20.40). Ешлик — «ҚЎЛУПНАИЛИ ВАНИЛИН ҚЎШИЛГАН МУЗҚАЙМОҚ» (жуфт соатларда).

Шарқ — «ШАОЛИНЬ ҚАСРИ» (тоқ соатларда, 20.30).

14 ФЕВРАЛДА Алишер Навоий номидаги Саъват саройида — «ТАНГАЛИК БОЛАЛАР» (12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00, ўзбек тилида).

Фуқрат — «КИШАН ВА КАНХАЯ» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00). Топсовет — «ЎЗГА САЙРАЛИК» (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 20.40).

Москва — «СЕВГИ, СЕВГИ, СЕВГИ» (11.00, 13.30, 16.00, 18.20, 20.40). Ешлик — «ҚЎЛУПНАИЛИ ВАНИЛИН ҚЎШИЛГАН МУЗҚАЙМОҚ» (жуфт соатларда).

Шарқ — «ШАОЛИНЬ ҚАСРИ» (тоқ соатларда, 20.30).

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Веттемир район Кенгаши, Тошкент вилояти матбуот бошқармасига қарашли Веттемир ремонт-механика комбинатининг бўлим бошлиғи, фирқадор биродаримиз Т. Қўчқор ҚИЗИБНИНГ вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар 5-насалхонаси ходимлари ва насаба уюшмаси ташкилотли насалхонасининг дорихона мудири П. С. Жалиловага онаси Хўри НОМИЛОВАНИНГ вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Увуқултор» Тошкент вилоятлараро улгурни баласи ямамоси ялоравий-қоғов ашйлар бўлим бошлиғи в. С. Қаримова онаси Шавкат САНДИМОНОВНИНГ вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар ҳони-матинининг Обородаштриш Вощ бошқармаси ямамоси шаҳарни ташқи беаъ бўлими ходими У. Журанулова онаси Рузи Журанулова ҚАЛИМ ҚИЗИБНИНГ вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Хар тўғрида

ТЎХТОВСИЗ КУЛГИ БИЛАН ● ДЕҲЛИ. Индуизм негизинда ташкил этилган янгиланган дин-ошога эътиқод қилувчилар жамоеси вақили бутун дунёда 750 та марказда янги йилни кутиб олишнинг «Умумжаҳон» нотижаларини маълум қилди. Ошога эътиқод қилувчилар 1 январь бошланишини 30 минут давоминда тўхтовсиз кулгу билан нишонлашга ақд қилдилар. Худди шундай ҳам қилишди. Ҳиндистонда жамоенинг Пуна шаҳридаги бош марказида 5 минг киши — асосан Ғарбий европаликлар ярим соат ҳаёло-лақ қилди. Германиядаги маросимда ҳам шунча одам, АҚШда 3 минг киши, Италияда 2 минг киши қатнашди. Байрам ташкилотчиларининг фикрича, кулгу кайфиятини яқшиллабгина қолмай, селоматликни ҳам мустаҳкамлайди. Ҳозирги нотинч дунёда ҳар некаласи ҳам муяда муҳим. Пунадаги маросимини ўз йўли билан кўрганларнинг айтишларича, оломонини қувонтириш учун бир неча ҳазилни айтиш киғоз қилди. Сўнгра одамлар бир-бирларига қараб ўзларини кулгудан тия олма қолдилар.




ЛОНДОН. Француз расоми Делакруаннинг «Аёл портрети» сурати кия ошди савдосида бир нотинч харидорга бир миллион 407 миғ 600 долларга сотилди. СУРАТДА: кия ошди савдосида сотилган Делакруа ишлаган сурат.

тонда туғилиши чеклаш дастурини амалга оширишга киришдилар. Яқин беш йил ичда бу ишга салкам 90 миллион доллар маблаг сарфлаш белгиланган, деди бу ерда жамгарма вақили. Жуладан, мактаб ва коллежларнинг ўқувчилари учун махус дастур жорий этиш кўзда тутилмоқда. Дастур ташаббускорлари аёлларнинг саводсизлигини тугатишга, уларни иш билан ахишроқ таъминлашга катта маблаг сарфлаш релвалаштирмоқдалар. БМТ экспертларининг фикрича, «Ҳиндистондаги аёлларнинг ҳозирги аҳоли билан аҳолининг қўлайиш сурьятлари ўртасида бевосита боғланиш бор».

Утган йили БМТ жамгармаси мамлакатининг бир қанча штатларида таъриба дастурларини амалга оширди, бу иш, мутахассисларнинг фикрича, умидбахш натижалар берди.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.



МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқноми» журналистларининг жамоеси

Тошкент оқноми

МАНЗИЛҒОҒИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: кабукхона — 32-53-76, катлар — 33-29-70, 32-53-79; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича — 33-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўрилик учун мабобларни уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидир.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашрий-матбуотчилик концерни, 700000, ГСП, Тошкент, «Правда» рўномаси кўчаси, 41.